



## ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ: ҚОНУНЧИЛИКДАГИ МУАММОЛАР ВА ТАҲЛИЛ

*Дўстқобилов Бекзод Санжар ўғли*

*ИИВ Академияси кундузги таълим “Ташкилий штаб фаолияти”  
мутахассислиги бўйича таълим олаётган 3-йукӯв курси 329-гуруҳ курсанти*

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш муддатлари ҳамда жавоб қайтариш муддатлари ва тартиби, уларни узайтириш ҳамда қисқартириш тартиби, мурожаатларни рўйхатга олиш ва резолюция қўйиш муддатлари ҳақида сўз борган. Мурожаатларни ички ишлар органлари ва ташкилотлари томонидан кўриб чиқиш ҳолати бўйича расмий статистик маълумотлар келтириб ўтилган. Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида илгари сурилган мурожаатлар билан ишлаш борасидаги истиқболда кўзда тутилган вазифалар ёритилган. Бир қатор хорижий давлатларнинг мурожаатларни кўриб чиқиш муддатига оид тажрибаси ўрганилган, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан қиёсий таҳлил қилинган ҳамда таклифлар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** мурожаат, ариза, шикоят, таклиф, рўйхат, резолюция, топшириқнома, муддат, халқ қабулхонаси, стратегия, платформа, қонунчилик ҳужжатлари..

## РАБОТА С ОБРАЩЕНИЯМИ ФИЗИЧЕСКИХ И ЮРИДИЧЕСКИХ ЛИЦ: АНАЛИЗ ПРОБЛЕМ В ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВЕ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье говорится о сроках рассмотрения обращений физических и юридических лиц и сроках и порядке ответа, порядке их продления и сокращения, сроках регистрации обращений и подачи постановлений. Приводятся официальные статистические данные о состоянии рассмотрения обращений органами и организациями внутренних дел. Освещены задачи, предусмотренные в перспективе работы с призывами, выдвинутыми в Стратегии развития нового Узбекистана. Изучен опыт ряда зарубежных стран относительно срока рассмотрения обращений, проведен сравнительный анализ с законодательством Республики Узбекистан, выдвинуты предложения.



**Ключевые слова:** обращение, применение, жалоба, предложение, список, резолюция, поручение, крайний срок, народный прием, стратегия, платформа, законодательные акты.

Мустақиллик йилларида амалга оширилган ислоҳотлар суд-хуқук соҳасини демократлашириш ва эркинлаширишга, фуқароларнинг хуқук ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги роли ва аҳамиятини оширишга замин яратди. Республикаизда олиб борилаётган жиноятчиликка қарши курашиш сиёсатида хуқуқбузарликлар профилактикасининг ўрни ва роли сезиларли даражада ошди. Ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолият мазмуни бутунлай ўзгарди. «Ҳукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг мутлақо янги тизими яратилди. Фақат жазолаш билан қўрқитиб, хуқуқбузарликларнинг оқибати билан курашиш эмас, балки ноқонуний ҳаракатлар содир этилишининг барвақт олдини олиш энг долзарб вазифага айланди»<sup>1</sup>.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётга ислоҳотлар тизимида фуқароларнинг мурожаатларини қўриб чиқиш билан боғлиқ чора-тадбирлар муҳим аҳамиятга эга. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари юзаки қўриб чиқилаётганлиги, уларда кўтарилаётган масалалар ҳар томонлама чуқур таҳлил қилинмаётганлиги, мурожаатларга расмиятчилик учунгина жавоб берилаётгани фуқароларнинг норозилигини келтириб чиқараётганлиги, уларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига ва бошқа ташкилотларга шикоят билан мурожаат этишга мажбур қиляпти. 2017 йилнинг “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилиниши ва шу йил давомида Президентнинг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарига 1,5 миллиондан зиёд мурожаат келиб тушди ва уларнинг 1 миллиондан ортиғи ижобий ҳал этилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шу ўринда ички ишлар органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг виртуал қабулхоналардаги жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қўриб чиқишидаги фаолиятига эътибор бериш лозим. Ички ишлар органининг мансабдор шахсларининг асосий хизмат фаолият йўналишларидан бири бу – жисмоний ва юридик шахсларнинг

<sup>1</sup>Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2017. – 8 дек.



мурожаатларини кўриб чиқиш ҳисобланади. Ички ишлар органининг мансабдор шахслари ҳар кунлик хизмат фаолияти жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ вазифаларни бажаради.

Мурожаат шахснинг ўз ҳукуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга ошириш, давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни баён этиш ҳамда бузилган ҳукуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги мурожаати ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасига кўра, ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт.

Жисмоний ва юридик шахсларга давлат органларига якка тартибда ёки жамоа бўлиб мурожаат этиш ҳуқуқи кафолатланган.

Ички ишлар органининг мансабдор шахслари ўз хизмат фаолиятида фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишида амалдаги қонун ҳужжатларига таянади.

Ички ишлар органининг мансабдор шахслари ўз хизмат хоналарида жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш ташкил этилади. Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш давлат органининг раҳбари ёхуд бошқа ваколатли шахс томонидан амалга оширилади. Бунинг учун давлат органларида маҳсус таркибий бўлинмалар ташкил этилиши мумкин, қабул учун масъул бўлган мансабдор шахслар белгиланади.

Шунингдек, Ички ишлар органининг мансабдор шахсларининг жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш белгиланган кун ва соатларда, қабул қилиш жадвалларига мувофиқ ўтказилади.

Ички ишлар органининг мансабдор шахслари қабул қилиш жадваллари ва уни ўтказиш вақти, жойи ҳамда қабулга олдиндан ёзилиш тўғрисидаги ахборот, шунингдек қабул қилиш тартиби давлат органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш, шунингдек уларнинг маъмурий биносида ҳамма кириши мумкин бўлган жойлардаги стендларга ёки бошқа техник воситаларга жойлаштириш орқали манфаатдор шахслар эътиборига етказилади.



Ички ишлар органининг мансабдор шахсларига жисмоний шахс оғзаки мурожаат этаётганда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, юридик шахснинг вакили эса ўз ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатни, шунингдек ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши керак.

Агар шахсий қабул давомида баён этилган масалаларни ҳал этиш Ички ишлар органининг мансабдор шахсларининг ваколатларига кирмаса, мурожаат этувчига мурожаатда баён этилган масалаларни ҳал этиш учун қайси органга ёки ташкилотга мурожаат қилиш лозимлигини тушунтиради.

Ички ишлар органининг мансабдор шахслари шахсий қабул давомида давлат органининг раҳбари қарорига кўра ҳамда мурожаат этувчининг ёзма розилиги билан маҳсус техника воситалари (аудио- ва видео ёзув, шунингдек фотосуратга олиш) қўлланилиши мумкин.

Мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланилаётганда жисмоний шахснинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига, шунингдек юридик шахсларнинг мулк шакли, жойлашган ери (почта манзили), ташкилий-хуқуқий шаклларига ва бошқа ҳолатларига қараб камситишга йўл қўйилмайди.

Ички ишлар органининг мансабдор шахсларига давлат органлари мурожаатларни кўриб чиқишида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари талабларига риоя этиши, уларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилиши учун чоралар кўриши, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари тикланишини ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўриши шарт.

Ички ишлар органининг мансабдор шахслари мурожаатларни кўриб чиқишида жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти, юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар уларнинг розилигисиз, шунингдек давлат сирини ёхуд қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар ва агар бу жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини камситадиган бўлса, бошқа ахборот давлат органлари ходимлари томонидан ошкор этилишига йўл қўйилмайди.

Жисмоний ва юридик шахс тўғрисидаги, мурожаатга тааллукли бўлмаган маълумотларни аниқлашга йўл қўйилмайди.

Жисмоний шахсни, унинг вакилини, уларнинг оила аъзоларини, юридик шахсни, унинг вакилини ва юридик шахс вакилининг оила аъзоларини улар ўз



хуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ёки ҳимоя қилиш мақсадида давлат органларига мурожаат этганлиги, шунингдек мурожаатларда ўз фикрини билдирганлиги ва танқид қилганлиги муносабати билан таъқиб этиш ман этилади.<sup>2</sup>

Жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш вақтида юқори билим, касбий маҳорат ва ҳуқуқий тайёргарликни намоён этиш, муомала маданиятига риоя этиш, уларнинг муаммоларини тўлиқ тинглаш ва қайд этиш талаб этилади.

Ҳар бир ички ишлар идораси томонидан жисмоний шахслар ҳамда юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш хоналарига ҳеч қандай тўсиқсиз кириб чиқишилари учун шароит яратилиши, уларни белгиланган тартибда жиҳозланиши ва ушбу қабулхоналарни тасдиқланган жадвал асосида мунтазам равишда ишлаши таъминланиши лозим.

Ички ишлар органларида мурожаатлар оғзаки, ёзма ва электрон усуллар орқали қабул қилинади ва улар қуйидагиларда намоён бўлади:

- жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини шахсан қабул қилиш орқали;
- почта, фельдъегерлик хизмати ва маҳсус алоқа воситалари орқали;
- расмий веб-сайт ва электрон почта манзили орқали;
- «ишонч телефони» орқали;
- ички ишлар органининг маъмурий биносида (хонасида, худудида) жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари учун қулай жойларга ўрнатилган почта қутиси орқали.

Жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилувчи раҳбар ёки ваколатли шахснинг кўрсатмаси бўйича ички ишлар органининг бошқа ходимлари ҳам қабул қилиш жараёнига жалб этилиши мумкин.

Агар жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини шахсан қабул қилиш пайтида мурожаатда баён қилинган масалаларни ҳал этиш ички ишлар органининг ваколатига кирмаслиги аниқланган тақдирда, уларга мурожаатда баён қилинган масалаларни ҳал этиш учун қайси органга ёки ташкилотга мурожаат қилиш кераклиги тушунтирилади. Бунда жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг талаби билан бу ҳақда ёзма шаклда жавоб берилади.

<sup>2</sup> ИИВ Ташкилий департаменти мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи Жўрабаев О.А. нинг ИИВ Академиясида 2022 йил 29 апрелда ўтказилган конференция материалларидаги маълумотлари.



Ички ишлар органининг раҳбари ёки бошқа ваколатли шахслари томонидан сайёр шахсий қабуллар ҳам ташкил этилиши мумкин ва улар ҳам ички ишлар органи раҳбари томонидан тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ ўтказилади, аммо зарур ҳолларда бу талаб истесно этилади, яъни бундай вазиятларда жадвалда назарда тутилмаса ҳам сайёр шахсий қабуллар ўтказилишига йўл қўйилади. Мазкур қабулларда мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинманинг раҳбари ва ички ишлар органининг бошқа масъул ходимлари иштирок этиши мумкин ҳисобланади.

Сайёр шахсий қабулларни ўтказиш вақти, жойи ҳамда қабулга олдиндан ёзилиш тартиби тўғрисидаги ахборотлар ҳам бошқа қабуллардаги сингари белгиланган тартибда манфаатдор шахслар эътиборига етказилади, шунингдек маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларининг сайёр шахсий қабуллар вақтида берилган оғзаки мурожаатлари ушбу Низом талабларига мувофиқ расмийлаштирилади, рўйхатга олинади ҳамда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Барча ички ишлар органларида жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш масаласига шахсан биринчи раҳбар жавобгардир.

Рўйхатга олинган мурожаатлар келиб тушган вақтдан бошлаб бир иш кунидан кечикмай ички ишлар органларининг раҳбари, унинг ўринbosарига ёки таркибий бўлинма раҳбари киритилади. Мазкур раҳбар томонидан масъул таркибий бўлинмани (ходимни) белгилаган ҳолда мурожаатни кўриб чиқиш бўйича резолюцияни (топшириқномани) қўяди.

Резолюция (топшириқнома) қўйилган пайтдан бошлаб бир иш куни мобайнида бўлинма мурожаатни ижро этувчи сифатида белгиланган таркибий бўлинмага (ходимга) имзо қўйдирган ҳолда беради.

Мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги ташкилий топшириқлар раҳбариётнинг резолюция (топшириқнома)си ёки алоҳида ишлаб чиқилган ёзма топшириғи кўринишида бўлиши мумкин.

Куйи орган томонидан кўриб чиқилиши керак бўлган мурожаатлар хат орқали ёки ички ишлар органининг раҳбари ёки таркибий бўлинманинг раҳбари томонидан имзоланган топшириқ билан биргаликда келиб тушган кунидан бошлаб беш кун муддатдан кечиктирмасдан қуйи органга юборилади ва бу ҳақда мурожаат қилувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар берилади.



Агарда қилинган мурожаатда баён этилган ҳолат бўйича айрим сабабларга кўра мурожаатни жойнинг ўзида ўрганиш талаб этилса ёки бошқа зарур ҳолларда мурожаатни кўриб чиқувчи ички ишлар органи раҳбари томонидан мурожаатни жойнинг ўзида кўриб чиқиш юзасидан топшириқ берилади ёки ундан розилик олинади.<sup>3</sup>

Айрим ҳолатларда, билдирилган шикоятда кўрсатилган ҳолатлар ва воқеаларни текшириш мақсадида ички ишлар органларининг раҳбари (истисно ҳолларда унинг ўринбосарлари) томонидан муайян ижрочиларга ички ишлар органлари ходимларига нисбатан хизмат текшируви ўtkазиш юзасидан топшириклар берилиши мумкин. ИИОнинг мурожаатлар билан ишлаш фаолияти аввало мурожаатларни қабул қилиш жараёнидан бошланади десак муболага бўлмайди. Бугунги кунда ИИОга мурожаатлар Президент қабулидан (порталдан), Баш вазир қабулидан, почта орқали, шахсий қабуллардан, сайёр қабуллар, ишонч телефонлари ва бош прокуратуранинг ишонч телефонлари орқали келиб тушмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мурожаатларнинг келиб тусиши манбаси таҳлил қилинганда уларнинг энг кўп қисмини Президент портали орқали келиб тушаётган мурожаатлар ташкил қилмоқда. Биргина 2022 йилнинг биринчи чорагида соҳага жами 88605 та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2021 йилнинг биринчи чорагига нисбатан 13,8 фоизга ёки 10742 тага ортганлигини кўриш мумкин<sup>4</sup>.

ИИОга жорий йил биринчи чорагида келиб тушган жами мурожаатларнинг 44 %и ёки 38902 таси Президент порталидан, 19,1%и ёки 16929 таси почта орқали, 14245 таси ёки 16%и шахсий қабуллар орқали, 16,1%и ёки 14289 таси ишонч телефонлари орқали, 4,4 %и ёки 3902 таси Баш прокуратуранинг ишонч телефонлари келиб тушган бўлса атиги 338 таси ёки 0,4% мурожаатлар Баш вазирнинг виртуал қабули орқали келиб тушган<sup>5</sup>.

Бундан шуни кўриш мумкинки бугунги кунда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари асосан Президент портали орқали келиб тушмоқда. Бунинг сабаблари таҳлил қилинганда қуйидагилар маълум бўлди:

<sup>3</sup> ИИВ Ташкилий департаменти мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи Жўрабаев О.А. нинг ИИВ Академиясида 2022 йил 29 апрелда ўтказилган конференция материалларидағи маълумотлари.

<sup>4</sup>ИИВ Ташкилий департаменти мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи Жўрабаев О.А. нинг ИИВ Академиясида 2022 йил 29 апрелда ўтказилган конференция материалларидағи маълумотлари.

<sup>5</sup> ИИВ Ташкилий департаменти мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи Жўрабаев О.А. нинг ИИВ Академиясида 2022 йил 29 апрелда ўтказилган конференция материалларидағи маълумотлари асосида таҳлил қилинган



Биринчидан, тадиқотимиз давомида социологик сўровнома ўтказиб, унда фуқароларга “Ўз мурожаатингизни давлат органлариға қандай тартибда йўллайсиз ва нима учун” деб савол берилганда респондентларнинг 76,1 % и ёки 240 нафар фуқаро “Ўз мурожаатларимни давлат органига Президент портали орқали йўллайман чунки мурожаатим юқори турувчи давлат органининг назоратида бўлади ҳамда мурожаатимни ҳаракатланишини (ким кўраётганлиги) кўриб тураман”<sup>6</sup> деган жавобни белгилаганлар.

Барча давлат органлари билан мурожаатларни бевосита учрашувларда кўриб чиқиши амалга оширишга оид қонунчиликни диверсификация қилиш лозимдир. Унинг доирасида, аниқ мақсад ва вазифалар, мурожаатларни кўриб чиқиши механизмини такомиллаштириш бўйича услубий тавсиялар бериш ўринли бўлар эди.

Бугунги кунда ахборот коммуникация воситалари кундан кунга ривожланиб бораётганлигини, уларни ИИО тизимиға киритилаётганлиги нуқтаи назаридан назаримизда бугунги кунда Бош прокуратура амалиётида мурожаатларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш бўйича қўлланиб келинаётган “СЕДО” маҳсус дастуридан келиб чиқсан ҳолда ИИОга келиб тушаётган ҳар қандай (хуқуқбузарликларга оид бўлган ва оид бўлмаган) мурожаатларни қабул қиласиган ягона “E-murojaat” платформасини ишлаб чиқиш ва ИИО тизимиға жорий этиш назаримизда ўринли. Бунда мурожаатларни фуқароларга кўриниб турадиган ҳолатлар инобатга олиниши зарур. Бунинг натижасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини юқори турувчи раҳбар томонидан назорат қилиб бориш, мурожаатларга ўз вақтида жавоб юбориш, мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқилишига эришилади.

Мавжуд муаммолардан бири мурожаатни тегишли ташкилотларга тўғри ва бевосита тақсимот бўйича бериш, шу билан биргаликда уни асосий, ваколати ва қобилияти етарли давлат органи ҳамда мансабдор шахсга йўллаш масаласидир. Кўпчиликнинг фикрича, Президент Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси барча муаммони ҳал қилувчи орган сифатида намоён бўлади, бошқа тегишли вазирликларга эса уларни ваколат доираси билан таниш бўлган фуқароларгина мурожаат қилиши мумкин. Шунинг учун тегишли вазирликларда “бегона” мурожаатлар салмоғи юқори, бу эса фуқароларнинг хуқуқий онги етарли даражада эмаслигидан далолат беради.

<sup>6</sup> 1-иловага қаранг



Агар “анъанавий” тегишли вазирлик ва унинг қуи таркибий бўлинмалари билан одатда кўп бериладиган саволлар доирасини белгилаб берувчи ахборотнома<sup>7</sup> ишлаб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Шундай қилиб, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг амалий жиҳатларини реал ҳолатини ўрганиш асосида унинг ташкилий ва ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириб бориш, мавжуд камчиликлар, бюрократик тўсиқлар ва сансалорликларни бартараф этиш, пивовардида мурожаатлар билан ишлаш фаолиятининг самарадорлиги янада ошишига кўмаклашади.

## ХУЛОСА

Ушбу мақолада ички ишалр органлари ва уларнинг мансабдор шахслари виртуал қабулхоналари орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш фаолиятини такомиллаштиришга бағишлиланган илмий тадқиқоти натижалари унда таҳлил этилган масалаларнинг хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда илмий назарий холосалар, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ва ваколатли органларнинг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича бир қанча таклифлар келириб ўтилган.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 76 б.  
 Ўзбекистон Республикаси Кодекслари. Расмий нашр. – Тошкент: Адолат, 2017. – 1056 б.  
 Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., 2008. – 176 б.  
 Каримов И.А. Ўзбекистон Мустақилликка эришиш остонасида. – Т., 2011. – 440 б.  
 Каримов И.А. Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т., 2015. – 304 б.  
 Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз. – Т., «Ўзбекистон», 2016. – 56 б.  
 Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т., «Ўзбекистон», 2017. – 48 б.

<sup>7</sup> Бу ерда, қуйидаги тажрибани қўллаш назарда тутилмоқда: мурожаатлар билан ишлаш бўлими ва унинг ходимларига қуляйлик яратиш мақсадида, турли ташкилотлар ва уларни бўлинмалари ваколат доираларини кўрсатувчи маҳсус солиштирма жадвал тузиш мумкин.



Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги – инсон мафаатларини таъминлашнинг муҳим омилидир. – Ҳалқ сўзи. – Т., 2017. – 8 янв.

Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қаттиқ тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак / Ш.М.Мирзаев; – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.

Мирзиёев Ш.М. Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, осуда ва фаровон ҳаёти ҳимоя қилинмоғи керак Ҳалқ сўзи. – Т., 2017. – 10 фев.

Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.